

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ

Анарбайев Дилшод Султанович

Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш
хизматларини кўрсатиш шўбаси Катта мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15099770>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси қўйилганлиги айтиб ўтилган. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари етакчи ўринни эгаллаши умумэтироф этилган далилдир. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳар қандай цивилизациялашган, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини камайтириб бўлмайди. Демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шарти асосий ҳуқуқ ва эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратиш ҳисобланади. Мамлакат Президенти И. А. Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” юзасидан қилган маърузасида шундай деган эди: “Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Инсон ҳуқуқлари – бу инсоннинг туғилишидан то вафот этгунига қадар бутун умри давомида унга ҳамроҳлик қиладиган ҳуқуқ ва эркинликлардир. Ушбу универсал ҳуқуқлар миллати, жинси, ирқи ёки этник келиб чиқиши, ранги, дини, тили ёки бошқа ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз барча учун хосдир. Инсон ҳуқуқлари яшаш ҳуқуқи каби энг асосий ҳуқуқлардан тортиб, муносиб турмуш тарзини таъминлашга

хизмат қиладиган таълим олиш, меҳнат қилиш ёки ижтимоий таъминот олиш каби ҳуқуқларига қадар барча ҳуқуқларни қамраб олади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Инсон ҳуқуқлари муносиб ҳаёт кечириш ва инсоний салоҳиятимизни ривожлантиришга имкон бериш учун зарур бўлган барча инсоний фазилатлар учун муҳимдир. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш қўрқув, таъқиб ёки камситишсиз жамиятда яшаш учун катта аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

- Универсаллик – барча бир хил даражада инсон ҳуқуқларига эга;
- Ажралмаслик – уларни ҳеч қачон тортиб олиш мумкин эмас, лекин баъзида уларни чеклаш мумкин — масалан, агар шахс қонунни бузса ёки давлат хавфсизлиги масалалари учун;
- Бўлинмаслик – маълум бир ҳуқуқлар тўпламидан иккинчисисиз тўлиқ фойдаланиш мумкин эмас;
- Ўзаро боғлиқлик – маълум бир ҳуқуқни бериш ёки уни бузиш бошқа ҳуқуқларга таъсир қилиши мумкин;
- Тенглик – барча инсонлар ўзларининг қадр-қиммати ва ҳуқуқларида тенгдир;
- Камситмаслик – ҳар бир инсон ирқи, танасининг ранги, жинси, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар инсон ҳуқуқларига эга.

1948-йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси оммавий ҳимоя қилинадиган асосий инсон ҳуқуқларини белгилайдиган биринчи юридик ҳужжат бўлди. Декларация ва иккита пакт — Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966) ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966) билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро биллини ташкил этади.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Иккинчи бўлимида баён этилган. Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими В-ХИ- бобларида инсон ҳуқуқлари, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва экологик ҳуқуқлари, инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари ва фуқароларнинг бурчлари белгилаб қўйилган. Конституциясининг 19-моддасида айтилишича Ўзбекистон Республикасида инсоннинг

хуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумётироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти.
3. Адлия вазирлиги “Ҳуқуқий ахборот” электрон канали.
4. 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича ўзбекистон республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони